




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

10 (72) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

10 (72)

2024

октябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.09.2024, Accepted: 02.10.2024, Published: 10.10.2024

УДК 614.254.3/614.26-618.2-084

ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ГИРУДОТЕРАПИЯ

Қаюмов Х.Н. <https://orcid.org/0000-0003-1126-9489>

Жўраев Ш.Б. <https://dr.djo'rayev@gmail.com>

Бобоев Х.Ш. <https://orcid.org/0009-0004-4474-3946>

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон, Бухоро шаҳри,
Гиждувон кўчаси 23-уй, Тел: +998(65)223-00-50. E-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Мақолада қадимий халқ табобати усулларидан ҳисобланган гирудотерапияни тарихий қўлланилиши, турли касалликларда ишлатилиши ва таъсир механизми ҳақида ҳозирги замон назариялари, ҳамда кўрсатма ва қарши кўрсатмалар ёритилган.

Татқиқотнинг мақсади: ушбу адабиётлар таҳлили орқали халқ табобатида гирудотерапиянинг аҳамиятли томонларини ўрганишдан иборатдир.

Калит сўзлар: Халқ табобати, гирудотерапия, зулук, биологик фаол моддалар, таъсир механизми, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

HIRUDOTHERAPY IN FOLK MEDICINE

Kayumov Kh.N. <https://orcid.org/0000-0003-1126-9489>

Juraev Sh.B., <https://dr.djo'rayev@gmail.com>

Boboev Kh.Sh. <https://orcid.org/0009-0004-4474-3946>

Abu Ali ibn Sino Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan, Bukhara c. Gijduvan street
23, Tel:998(65)223-00-50. E-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

This article discusses the historical application of hirudotherapy, an ancient method of folk medicine, its use in various diseases, and contemporary theories regarding its mechanism of action, as well as indications and contraindications.

The purpose of the study: to study the significant aspects of hirudotherapy in folk medicine based on the analysis of the specified literature.

Keywords: Folk medicine, hirudotherapy, leeches, biologically active substances, mechanism of action, indications, and contraindications.

ГИРУДОТЕРАПИЯ В НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЕ

Қаюмов Х.Н. <https://orcid.org/0000-0003-1126-9489>

Жўраев Ш.Б., <https://dr.djo'rayev@gmail.com>

Бобоев Х.Ш. <https://orcid.org/0009-0004-4474-3946>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сина, Узбекистан,
г.Бухара, улица Гиждуванская 23. Тел:998(65)223-00-50. E-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В статье рассматривается историческое применение древнего метода народной медицины гирудотерапии, его использование при различных заболеваниях и современные теории относительно механизма действия, а также показания и противопоказания.

Цель исследования: изучение значимых аспектов гирудотерапии в народной медицине на основе анализа указанной литературы.

Ключевые слова: народная медицина, гирудотерапия, пиявки, биологически активные вещества, механизм действия, показания и противопоказания.

Долзарблиги

Охириги йилларда Халқ табобати ва қўшимча тиббиётга, қайси Ўзбекистонда “Халқ табобати” номи билан таниқли усулларга аҳоли орасида қизиқиш йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу йўналиш асосан фармакологик бўлмаган усуллар билан даволашга йўналтирилган. Булар: акупунктура(игнатерапия), турли уқалаш технологиялари, доривор ўсимликлар, минераллар, кумурсқалар(асалари ва бошқ.), зулуклар ва бошқалар билан даволаш. Афсуски кўпгина Халқ табобати ва қўшимча тиббиёт усулларининг клиник самарадорлигини турли хил лаборатор диогностик усуллар(биохимик, периферик қон таҳлили, иммунологик ва бошқ.) билан тасдиқланиши, уларни организмга даво механизмини европа расмий тиббиёти учун тушунарли ҳолда тушунтириб беролмайди. Кўпгина усулларни даволашда қўлланилиши асосида фундаментал тушунтиришлар мавжуд эмас, бу расмий тиббиёт ходимларида тушунмасликни, асабийлашишни ва инкор қилишни келтириб чиқаради [12].

Тадқиқотнинг мақсади: ушбу адабиётлар таҳлили орқали халқ табобатида гирудотерапиянинг аҳамиятли томонларини ўрганишдан иборатдир.

Ўзбекистонда халқ табобати усуллари давлат томонидан тан олинган. Президентнинг 2018 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3968-сонли қарорлари асосида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида халқ табиблари томонидан хизматлар кўрсатишда қонунчилик базаси шаклланди, Ўзбекистон халқ табобати уюшмаси яратилди ва самарали фаолиятининг устувор шартлари, анъанавий тиббиёт усуллари ва ютуқларини хавфсиз қўллаш, унинг ривожланишининг асосий мақсадлари ва йўналишлари аниқланган [1,2,8,9].

Халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш, тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда амалга оширилади (тиббий маълумотга эга бўлиш талаблари бундан мустасно). Анъанавий тиббиёт усулларида фойдаланган ҳолда хизматларни кўрсатишга лицензиялаш талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сонли қарори билан тасдиқланган "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида" ги Низомда (тиббий маълумотга эга бўлиш талаблари бундан мустасно) белгиланган. Махсус тиббий маълумотсиз халқ табобати хизматларини кўрсатишга мурожаат этаётган шахсларнинг ваколатларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида тиббий фаолиятни анъанавий тиббиёт усулларида фойдаланган ҳолда лицензиялаш бўйича махсус комиссия ташкил этилди [9,10,11].

Халқ табобати ихтисослик сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 25 июлдаги 97-сонли "Тиббий фаолият олиб бориладиган тиббиёт ихтисосликлари турларининг номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида" буйруғида назарда тутилган, 2017 йил 28 августда Адлия вазирлигида 2905-сон билан рўйхатдан ўтган ва минимал талаблар моддий-техника базасига, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан анъанавий тиббиётда фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 июлдаги 90-сонли буйруғида инобатга олинган.

Натижа ва таҳлиллар

Гирудотерапия - зулуклар билан даволашга асосланган энг қадимий усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Зулукнинг шифобахш хусусиятлари минг йиллар давомида одамларга маълум. Унинг ёрдами билан касалликларни даволаш усулларининг тавсифларини Қадимги Миср, Ҳиндистон ва Грециянинг тиббий манбаъларида топиш мумкин. Мисрдаги қабрлар деворларида зулуклардан фойдаланиш расмлари топилган. Улардан фойдаланиш антик даврнинг буюк табиблари Гиппократ, Гален ва Абу Али ибн Сино томонидан тавсифланган [5,12]. Турли касалликларни зулуклар ёрдамида даволаш ўзбек халқ табобатида аҳоли орасида қадимдан самарали ишлатилиб келинган усуллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тиббий зулуклар 17-18-асрларда "ёмон қон"нинг чиқариб ташлаш учун энг кенг тарқалган усул сифатида ишлатилган. "ёмон қон"ни чиқариш учун шифокорлар баъзида бир беморга бир вақтнинг ўзида 40 тагача зулук қўллашган. Зулуклар мигрен, сил, гонорея ва эпилепсия касалликларида ишлатилган. Умуман олганда, турли хил ва бир биридан йироқ патологик

холатларда қўлланилган. Россияда машҳур рус шифокорлари Пирогов, Мудров ва Захаринлар турли касалликлар учун гирудотерапияни тиббий амалиётга жорий этишда фаол шуғулланганлар [3,4,12].

19-асрнинг ўрталарида зулуклар билан даволаш иккинчи даражага тушди ва тиббиётда ўтган босқич деб ҳисоблана бошланди. Аммо бу узоқ давом этмади. 19-асрнинг охирида бу ҳайвонни ўрганиш жиддий тарзда бошланди ва зулукнинг одамларга таъсир қилиш механизмлари бўйича илмий тадқиқотлар бошланди. Зулук экстрактидан қон ивишига тўсқинлик қилувчи модда (антикоагулянт) ажратилиб, унинг сўлагидан шифобахш таъсирга эга фермент (гирудин) олинди [4,5]. Шу билан бирга, гирудин асосида фармацевтика воситалари ишлаб чиқарила бошланди. Синтетик антикоагулянтлар, жумладан, гирудин пайдо бўлиши туфайли жонли зулуклардан фойдаланиш деярли тўхтатилди.

20-асрнинг охирида гирудотерапия аҳамияти қайта тикланди. 1980-1990 йилларда тиббий зулукни сўлаги таркибини биокимёвий ўрганиш кенг олиб борилди. Бу тадқиқотлар зулук сўлаги таркибидаги турли биологик фаол моддаларни аниқлашга имкон берди. Бу минг йиллар давомида тиббий зулукларни даволашда қўлланилишини клиник самарадорлигини исботловчи далил бўлди. 1990 йилда Бутунжаҳон гирудологлар жамияти тузилди, 1991 йилда зулукларни тиббиётда қўллаш бўйича биринчи жаҳон конгресси бўлиб ўтди, шифобахш зулук баъзи давлатларнинг дори воситалари реестрига киритилган ва шифобахш восита ҳисобланади [5,12].

Кўпгина амалиётчи шифокорлар ҳозирда вақт синовидан ўтган даволаш усуллари (гирудотерапия, ўсимлик дори-дармонлари, рефлексотерапия) мурожаат қилмоқдалар. Ахир, янги дори-дармонларнинг клиник синовлари бир неча йил давом этади, гирудотерапиянинг шифобахш таъсири авлодлар тажрибаси билан синовдан ўтган, усул яхши маълум ва ундан узоқ муддатли натижани олдиндан айтиш мумкин. Усулни бир марта қўллаган шифокор энди ўз амалиётида буни инкор этмайди.

Тиббий зулук - чақивчи курт. Унинг оғиз бўшлиғида хитин тишли 3 та жағи бор. Уларнинг ёрдами билан зулук терини 1,5 мм чуқурликка кесиб тишлайди ва 5-15 мл ҳажмда қонни сўради, худди шу миқдор тишлаш жойидан кейинчалик (3-24 соат ичида) оқиб чиқади. Бундай қон чиқиши инсон саломатлиги учун мутлақо зарарсиздир ва бемор томонидан осонликча қабул қилинади. Одатда ҳар бир сеансда ўртача 3-4 зулук қўйилади.

Доривор зулукнинг ўзи маълум органларнинг функциялари учун масъул бўлган жойларни топишга қодир. Бироқ, гирудотерапия билан шуғулланадиган шифокорлар унга буни қилишга руҳсат беришмайди. Фаол нуқталарнинг жойлашишини ўзи биладиган мутахассис махсус мўлжалланган схемалар бўйича зулукни тўғри жойга қўяди. Қўшимча жойни танлаш кўплаб омиллар билан белгиланади: касаллик, жараённинг оғирлиги, беморнинг аҳволи ва бошқалар [6,7]. Зулук белгиланган нуқтага ёпишиб, озгина қон олади ва шу билан бирга ярага биологик фаол моддаларни киритади, улар маҳаллий жойга таъсир қилади ва қон оқими орқали бутун танага тарқалади. Жараён 5-10 дақиқа давом этади. Гирудотерапия сеанслари сони шифокор томонидан белгиланади, одатда 5-7та, баъзан 10 сеанс етарли бўлади. Шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда йилига икки марта гирудотерапия курсини такрорлаш тавсия этилади. Озиқланган зулукларни хлорамин эритмасига солиб йўқ қилиш керак, уларни қайта ишлатишга йўл қўйилмайди.

Гирудотерапиянинг терапевтик таъсири бир неча омиллардан иборат (12):

- Рефлектор таъсири шундан иборатки, зулук терини фақат биологик фаол нуқталарда (акупунктур нуқталарида) тишлайди. Рефлектор таъсир механизми акупунктурага ўхшайди.
- Механик таъсири маҳаллий қон оқимига юкламанинг дозали қон олиш орқали туширилишида намоён бўлади.
- Биологик таъсири зулук сўлагидида биологик фаол моддаларнинг катта мажмуаси мавжудлиги билан таъминланади. Гирудин - яллиғланишга қарши кучли таъсирга эга, қон ивишини олдини олади ва оғриқни енгиллаштиради. Дестабилаза тромб ҳосил бўлишини олдини олади. Гиалуронидаза фойдали моддаларнинг тўқималарга кириб боришини оширади. Эглинлар яллиғланишга қарши таъсирга эга, тўқималарни тикланишини ва битишини тезлаштиради.

Доривор зулукдан фойдаланишнинг инсон танасига асосий самаралари қуйидагилар:

- антикоагулянт (қон ивишини пасайтиради)
- тромболитик (қон тромбларини йўқ қилиниши)

- анти-ишемик (тўқималар ва органларни қон билан таъминлашни яхшилаш)
- антигипоксик (қоннинг тўқималар ва органларни кислород билан таъминлашини яхшилаш)
- гипотензив (нотензив)
- шишларга қарши
- дренаж функцияси
- микроциркуляцияни тиклаш
- липолитик (ёғ бирикмаларининг парчаланиши)
- нерв-мушак импульсларнинг узатилишини тиклаш
- умумий рефлектор
- томир деворининг ўтказувчанлигини тиклаш
- бактериостатик (яллиғланиш жараёнини келтириб чиқарадиган микроорганизмларнинг ўлими)
- иммуностимуляция килувчи
- аналгетик (оғриқ қолдирувчи).

Шундай қилиб, тиббий зулукларни асосий таъсирлари: организмни суяқлик таркибий қисмлари - артериал ва веноз қон, интерстициал(хужайралараро) суяқлик ва лимфага, ҳамда тўғридан тўғри хужайрага(яллиғланишга қарши ва антидеградант таъсири) бўлиб чиқмоқда.

Тиббий зулуклар билан даволашни таъсир механизмини 2009 йилда таклиф этилган умумий патологияни хужайра-гуморал назария (К.В.Сухов ва бошқ.) кенгрок тушинишга ёрдам беради. Бу назарияни асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- Организм ҳаёти ўзаро боғланган алоҳида хужайралар ҳаётининг йиғиндисидан иборат;
- Организм ҳаёти ва унинг ҳаёт сифати ҳар бир алоҳида хужайраларнинг ҳаёти ва ҳаёт сифатининг умумий йиғиндисига боғлиқ;
- Хужайра ҳаёти ва унинг ҳаёт сифати тўғридан тўғри организм суяқликларини циркуляцияси ҳолатига-оқимини келиши ва кетишига, ҳамда бирор бир омилни тўғдан тўғри хужайрани ўзига таъсирига боғлиқ.

Зулуклар билан даволаш қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади [12]:

- Димланиш ҳолатлари (томирлар варикози, тромбофлебит);
- Кичик таз аъзоларининг касалликлари (бепуштлиқ, эндометриоз, бошқа кўплаб аёллар касалликлари);
- Юрак-қон томир тизимининг патологияси (артериал гипертензия, юрак хуружи ва қон томирларининг оқибатлари);
- Тери касалликлари (акне, яралар);
- Марказий нерв системасининг касалликлари (мигрень, бош оғриғи);
- Ошқозон-ичак тракти касалликлари (гастрит, колит, холестаз);
- Таянч-ҳаракат тизими касалликлари (остеохондроз, артрит ва артроз, жароҳатлардан кейин тикланиш даври);
- Косметологияда (пластик жарроҳликдан кейинги реабилитация даври, чандиқларни даволаш, гематомаларни йўқ қилиш; бу техниканинг ёшартирувчи хусусиятлари ҳам исботланган).

Бугунги кунда ҳар бир инсон ўзига мос келадиган даволанишни танлаши мумкин. Гирудотерапия усули биринчи қарашда кўринадиган даражада осон эмас. Шифокор инсон анатомиясини мукамал билиши ва барча касалликларни, жисмоний ва руҳий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда беморга индивидуал ёндашиши керак. Фақат шу ҳолда самара олиш ва мумкин бўлган асоратлардан қочиш мумкин.

Зулуклар билан даволанишни тайинлашда маълум қоидаларга риоя қилиш керак. Даволашдан олдин, мумкин бўлган қарши кўрсатмаларни аниқлаш учун текширувдан ўтиш керак, булар:

- қон ивишининг пасайиши туфайли қон кетиши билан кечадиган касалликлар;
- камқонлик;
- тананинг заифлашиши ёки чарчаши;
- организм томонидан зулук ферментларига тоқат қилмаслик (аллергик реакциялар);
- турли локализацияли сил касаллиги;
- онкологик касалликлар.

Хулоса

Гирудотерапия билан доволанишда лицензияланган тиббий марказлардан ташқарида ва юқори сифатли биоматериалдан фойдаланмасдан доволанишга рози бўлмаслик керак. Гирудотерапевт махсус дастур бўйича ўқитилиши керак. Таъсир нукталарини танлаш билан даволаш дастурини малакали ишлаб чиқиш, ўзи ўрганган одамлар учун, ҳатто энг истеъдодлилар учун ҳам мумкин эмас. Доривор ҳайвонлар махсус биофабрикаларда "ишлаб чиқарилади", улар ҳужжатлаштирилган бўлиши, ушбу турдаги юқори сифатли зулукларни етиштириш ва парвариш қилиш бўйича қатъий қоидаларга риоя қилишлари керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ табobati соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" № 3968-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар" № 4668-сонли қарори.
3. Белецкая Т.А. Гирудотерапия как метод лечения глаукомы// Научный журнал на тему: Клиническая медицина. Красноярск, №3(141), 2003г. Печатный:1819-9496, Электронный: 2500-0136.
4. Баскова И.П. Место гирудотерапии в профилактике и лечении сердечно-сосудистых заболеваний //Клиническая и экспериментальная гирудология на пороге нового тысячелетия: Мат. 6-й науч.-практ. конф. – Пятигорск, 1999; С.4-6.
5. Вестендорфф Магдалене, Клюгер Райнер, Аурих Михайль. Гирудотерапия в Германии-возрождение традиции и актуальное развитие //Первый Всемирный конгресс гирудотерапии: тезисы докладов. Москва, 24-25 сентября 2013г. Ст 17-21.
6. Исаханян Г.С. О рефлекторном механизме действия гирудотерапии // Лечение медицинскими пиявками и препаратами из них: Сб. статей по мат. науч. практич. конференций. – Кн. 2. – Люберцы, 2003; С. 22-23.
7. Каменев О.Ю. Гирудотерапия. Биологические активные точки и зоны для постановки пиявок //Лечение медицинскими пиявками и препаратами из них: Сб. статей по матер. науч.- практ. конференций. – Кн. 1. – Люберцы, 2003; С. 8-11.
8. Қаюмов Х.Н. Халқ ва қўшимча табобатни соҳликни сақлаш тизимига интеграцияси. //Тиббиётда янги кун. – Бухоро, 2020;4(32):522-524. (14.00.00;№22). https://newdayworldmedicine.com/upload_files/journal_article/65c4553ac283b.pdf
9. Қаюмов Х.Н. Халқ табобатини ривожлантириш истиқболлари //Тиббиётда янги кун.- Бухоро, 2020;2(30):134-136 б. (14.00.00;№22) https://newdayworldmedicine.com/upload_files/journal_article/65c380be99b15.pdf
10. Қаюмов Х.Н. Халқ ва қўшимча табобатни соҳликни сақлаш тизимига уйғунлаштиришдаги халқаро тажрибалар //Тиббиётда янги кун. –Бухоро, 2020. №2. (30).- 400-402 б. (14.00.00;№22).https://newdayworldmedicine.com/upload_files/journal_article/65c381daa3287.pdf
11. Қаюмов Х.Н., Туксанова З.И. Халқ табобати усулларининг соҳликни сақлаш тизимидаги ўрни //Тиббиётда янги кун. -Бухоро, 2021;2(34/3):166-169. (14.00.00;№22).
12. Сухов К.В. Фундаментальные вопросы гирудотерапии: лечение медицинскими пиявками и теории общей патологии //Первый Всемирный конгресс гирудотерапии: тезисы докладов. Москва, 24-25 сентября 2013; Ст 8-11.

Қабул қилинган сана 20.09.2024